

ЎҚИТУВЧИНИНГ НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРГА НИСБАТАН МУНОСАБАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ФУНКЦИЯЛАР

Халиков Аъзам Абдусаломович

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, педагогика
фанлари доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7454852>

Аннотация. Таълим жараёнида ўқитувчининг конфликтологик вазиятларда ўзини бошқара олиши, низоларни бартараф этиши, кутилмаганда содир бўладиган зиддиятларни олдиндан кўра олиши, муносабатларни адолатли ҳал этишни белгилайдиган функциялардан унумли фойдаланиши яхши натижаларга эришишига йўналтирилади.

Калит сўзлар: функция, конфликтология, низо, педагогик жараён, манфаатлар, зиддиятлар ечими, компромиссга келиши

ФУНКЦИИ, ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ ОТНОШЕНИЕ УЧИТЕЛЯ К КОНФЛИКТНЫМ СИТУАЦИЯМ

Аннотация. С точки зрения функций конфликт – достаточно **противоречивое** явление. Вступая в противоборство, учителя могут добиться реализации поставленных целей. Но часто трудно предугадать даже не очень отдаленные последствия, которые за этим последуют. При этом последствия могут носить как положительный, так и отрицательный характер для участников конфликта.

Ключевые слова: функция, конфликтология, спорные ситуация, педагогический процесс, выгодные интересы, противоречивые развязки, быть согласованным

FUNCTIONS DETERMINING THE ATTITUDE OF THE TEACHER TO CONFLICT SITUATIONS

Abstract. From the point of view of functions, conflict is a rather contradictory phenomenon. By entering into confrontation, teachers can achieve their goals. But it is often difficult to predict even not very distant consequences that will follow. In this case, the consequences can be both positive and negative for the parties to the conflict.

Keywords: function, conflict management, controversial situation, pedagogical process, beneficial interests, conflicting outcomes, to be agreed

Ўқитувчининг конфликтологик вазиятларда турли низоларга нисбатан муносабатини қуйидаги функциялар асосида белгилаб олиш мумкин:

1. Низони инкор этиш функцияси. Мазкур функция агар низоли вазият ўз мазмунига кўра жуда катта эътиборни талаб қилмайдиган масалалар негизида содир бўлган ҳамда унинг кенгайиб кетишига асос бўлмаган ҳолларда қўлланиладиган методлар мажмуаси саналади. Бунда ўқитувчи ўз кучи ва энергиясини янада муҳимроқ масалаларга йўналтиришни танлайди ҳамда низони инкор этиш орқали ечимга олиб келинади. Аммо баъзи вақтларда низони эътиборга олмаслик, янада каттароқ зиддиятли вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки низони инкор этиш ҳар доим ҳам зиддиятни ечимга олиб келишини аниқламайди. Бундай вазиятда ўқитувчи зиддиятли вазиятга ўз таъсирини ўтказишдан маҳрум бўлиб қолади. Ўқитувчи таъсирининг йўқлиги уни педагогик

жараёндан чиқариб юборади. Низоли вазиятга ўқитувчи таъсирини тўхтатиб қўяди. Низо ўқитувчидан ташқарида яшай бошлайди. Натижада низони ечимга олиб келиш вазияти қўлдан бой берилган бўлади. Шунга кўра, ўқитувчининг саъй-ҳаракатлари ҳар доим низо ечимига йўналтирилган бўлиши даркор.

2. Низоларни бартараф этиш функцияси. Низони ечимга олиб келишда томонларнинг ғалабага эришиш функцияси фақат бир томоннинг ютуғини аңлатмайди, балки зиддиятда иштирок этаётган барча томонларнинг бирдай ютуғини аңлатади. Бирок баъзи вақтларда кўпчилик ўқитувчилар аънавий тарзда айнан ўзлари ҳақиқатнинг ютиб чиқишини истаган ҳолда ҳаракат қилишади. Натижада, умумий ҳақиқат эмас, балки айнан ўқитувчи ҳақиқати ютиб чиққан бўлади. Аммо мана шундай тарзда эришилган ўқитувчи ҳақиқати томонлар манфаатларига зид бўлиши ҳамда педагогик жараён самарадорлигига путур етказиши мумкин. Бундай қилинганда, педагогик жараёнининг ўқитувчидан ташқари барча иштирокчилари тафаккурида адолатсизлик рўй берганлиги, адолатсизлик ўрин тутганлиги борасидаги фикр келиб чиқади ва мана шу ўқитувчи томонидан амалга оширилган адолатсизлик улар онгида ўрнашиб олади. Педагогик жараён иштирокчилари ўқитувчи “ҳақиқатини” қабул қила олмайди. Улар ўқитувчи ҳақиқати адолатли эканлигини инкор этадилар. Ўқитувчи эса мана шу адолатсизликни юзага чиқарган инсон сифатида роль ўйнай бошлайди. Табиий равишда талабалар олдида ўқитувчи ҳурмати пасайиб боради ҳамда талаба адолатсизликни ўқитувчи қилиши мумкинлигига ўз кўзи билан иқрор бўлади. Шунга кўра, ўқитувчи низоли вазиятларда ўз ҳақиқатини ўрнатиши эмас, балки зиддиятни адолатли ечимга олиб келиши зарур. Низони ечимга олиб келишда эса барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олиши, ўз кучи ва тажрибасини низо ечимига қаратиши, томонларга нисбатан эса эътиборли, ҳурматли ва нейтрал позицияда туриши тақозо этилади. Низо ечимида ҳар бир томон мазкур ечимдан қониқиб, “Мен ютқазмадим, мен ютдим” деган фикрда қолсагина, ўқитувчи ҳақиқатан ҳам низони адолатли ечимга олиб келган бўлади. Бинобарин, педагогик низо ечими ўқитувчи ҳақлигини аңлатмайди, балки ўқитувчининг зиддиятни ечимга олиб келишда барча иштирокчи томонлар манфаатларини уйғун ҳолда назарга олганлиги ва барча томонларни қониқтирган ечим топилганлигини аңлатади [1]. Шунга кўра, ўқитувчи ўз ҳақиқатини ўрнатишга эмас, балки умумманфаатларини эътиборга олиб, уларни келиштириш ва бир нуқтага олиб келишни таъминлаши тақозо этилади. Шу билан бирга, ўқитувчи зиддиятли вазиятда иштирок этаётган томонларнинг ҳар бирининг манфаатларини назарга олишга ўргатиши зарур бўлган шахс сифатида майдонга чиқади. Агар низоли вазиятда томонлар фақат ўз манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидан кетишса, мазкур зиддият ҳеч замон ҳамма томонларни бирдай қониқтирган ечимга олиб келмайди. Агар низода ҳар бир томон фақат ўз манфаатларини муҳофаза қилишга ўтса, бу низонинг деструктив ҳолатга ўтганлигини аңлатади ва уни ечимга олиб келиш қийинлашади. Низонинг деструктив ҳолатида томонлар ўз манфаатларини муҳофаза қилиш истагида бир-бирини қўрқитиш, таҳдид қилиш, ўзини устун қўйиш, ўзгаларни ўз томонига оғдириш, зуғм ўтказиш, бировнинг устидан кулиш, уни таҳқирлаш кабиларни келтириб чиқара бошлайди. Агар бир томон санаб ўтилган деструктив амалларга ўтса, табиий равишда иккинчи томон ҳам уларни қўллай бошлайди. Натижада муносабатлар узоқ муддатга чуқурлашиб кетади. Агар ўқитувчининг ўзи ўз обрўсининг пасайиб кетишидан чўчиб талабага нисбатан мана шундай амалларни бажара бошласа, унинг ҳурмати барчанин олдида, яъни барча талабалар,

хамкасблар ва бутун педагогик жамоа олдида ҳам жуда пасайиб кетади. [2.]. Бинобарин, ўқитувчи функцияси ўз ҳурматини бетарафлик асосида мунтазамлигини таъминлаш ва барча томонлар манфаатларига бирдай муносабат билдиришда намоён бўлади. Ўқитувчи учун низоли вазият асосида вужудга келган ҳар қандай зиддиятнинг ечимга олиб келиниши ва барча томонларнинг мазкур ечимдан қониқиб, зиддиятни эсдан чиқарганлиги, зиддият уларнинг ҳаётидан чиқиб кетганлиги, уларни бошқа хавотирга солмаётганлиги бош ютук саналади.

3. Ўқитувчининг низоли вазиятларни ҳал этиш маҳорати функцияси. Педагогик низоларни ечимга олиб келишда ўқитувчида қуйидаги компромиссга келиш усуллари мавжуд бўлади: томонлар ва уларнинг характер хусусиятлари, улар манфаатларига мослашиши, уларнинг манфаатларини англашга уриниш, баъзи масалаларда бирор томонга ён бериш, мурасага келиш, томонлар манфаатларини низоли вазиятдан олдинги ҳолатда сақлаб қолишга уриниш, низо ечимида воситачилар ёрдами ва иштирокидан фойдаланиш. Мослашиш ва ён бериш жараёнида бошқа томон манфаатларининг муҳимлиги ва бошқа томон қарашларида икки томон учун фойдали бўлган ўринларнинг мавжудлиги тан олинади. Натижада бошқа томон фикр ва қарашлари қабул қилинади. Аслида бошқа томон қарашлари қабул қилинган бўлса ҳам, мана шу қарашни қабул қилган томон ҳам ютукқа эришади. Чунки мазкур қараш барча томон манфаатларини ҳам инобатга олади ва муваффақият учун хизмат қилади. Ён бериш бошқалар фикр ва қарашларига эътибор, уларнинг таҳлил қилишда очиқлик ва самимийлик, ўзга фикрлар орасидан мақбул ғояларни топа билиш ва уларни ҳамкорликда қабул қилиш, ўзининг нейтрал ва рационал муносабатини кўрсата олиш каби амаллар орқали ўзини намоён этади. Шахслараро мана шундай мақбул келишувга эришиш учун кенг имкониятлар яратиб беради. Бироқ ўзга томон фикр ва қарашларини қабул қилиш, иккинчи томоннинг ютқизиши, ўз манфаатларига зарар етказиши, бировга бўйсунуш, мулзам бўлиш, йўқотиш сифатида баҳоланса, бу ҳолатлар низолининг эскалацияси, яъни янада кучайишига сабаб бўлади. Ўқитувчининг ўзи эса низоли вазиятда умуман ўзини устун қўйиш, бошқа томонни таҳқирлаш, ўзгани мулзам қилиш, психологик ва жисмоний зўравонлик ўтказиш, ўз фикрини куч билан сингдириш, ўзгаларга тазйиқ ўтказиш каби амаллардан ҳеч вақт фойдаланмаслиги талаб этилади. Компромисс томонларнинг у ёки бу даражада манфаатларининг инобатга олинганлигини тасдиқлаб беради. Ҳар бир томон ўз манфаатларидан энг муҳимлари қабул қилинганлиги, бироқ баъзи бошқа фикрлар инобатга олинмаганлигини англайди ва шу натижага рози бўлади. Томонлар манфаатларидаги қабул қилинган ўринлар аҳамияти қабул қилинмаган жиҳатлардан устунроқ мавқега эга бўлади. Бироқ кўпчилик низоли вазиятларда табиий равишда бир томон бошқасига нисбатан кўпроқ компромиссга боради. Агар мана шу томон қарашларида бирор-бир норозилик пайдо бўлса, низо бироз вақт тинч ва осуда ўтиб туради, кейинчалик эса янги куч ва энергия билан зиддият қайта пайдо бўлиб, яна томонлар муносабатларига раҳна сола бошлайди.

4. Ўқитувчининг низоли вазиятларда ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорлиги функцияси. Ҳар қандай низода унда иштирок этаётган томонларни мавжуд муаммони ҳамкорликда муҳокама этиш, зиддиятдан чиқиш йўл, усул ва воситаларини таклиф этиш, компромиссларга бориш, низоли енгиб ўтишга иштиёқ ва хоҳишни тарбия қилиш зиддият жараёнида ҳар икки томоннинг ютиб чиқиши ва “ғалаба-ғалаба” шароитининг амал қилишини таъминлайди. Бироқ конкрет вазиятда зиддиятга кирган томонлар ҳар доим буни

тўғри ва мутаносиб англайвермайди. Шунинг учун мана шу вазифани бажаришда ўқитувчининг роли жуда аҳамиятли саналади. Бинобарин, ҳар қандай низоли вазиятда томонлар ҳамкорлигини ўрнатиш муҳимдир. Ҳамкорлик учун томонларнинг қарашлари, фикрлари ва нуқтаи назарларидаги яқинлик, ўзаро такрорланувчи ва ҳар икки томон учун кадрли бўлган ўринларнинг мавжудлиги, умумий манфаатлар ва мақсадларнинг юзага келиши, ҳар икки томондан ҳиссий-эмоционал ва ақлий тафаккур фаолиятлари тақозо этилади. Ўқитувчи низоли вазиятларда талабалар, ҳамкасблар, раҳбарият ўртасидаги ҳамкорликка масъул ҳисобланади. Ҳамкорликни ўрната билиш низоли бартараф этиш ва унинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Низоли вазиятдаги ҳамкорлик биргаликда турли муаммоларни муҳокама этиш ва тегишли қарорлар қабул қилишни англатади.

Мазкур функцияни амалга ошириш учун низоли вазиятда иштирок этаётган барча томонларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини инобатга олиш ва ўрганиш, уларни амалий қабул қилиш ва таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, уларнинг қадриятлар тизимини ҳурмат қилиш, муҳокамаларда объективликни таъминлаш, муаммоларни шахсдан айри холда кўриш тақозо этилади [3, 44-б.].

REFERENCES

1. Thomas K.W. Conflict and negotiation // Handbook of industrial and organizational psychology/ Eds. M.D. Dunnette. Palo Alto, CA, 1992. – P. 889-935.
2. Рыбакова М. М. Конфликт и взаимодействия в педагогическом процессе. – М.: Педагогика, 1991. – 168 с.
3. Халиков А.А. Педагогик маҳорат. //Дарслик. – Тошкент, Молия. 2015.- 435 бет.